*Фармон ва ижро*

# ҚОНУН ТАЛАБИ — ҲАҚҚОНИЙ ТАЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларини бажаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини бажара бориб, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходимлари 1999 йилнинг ўтган олти ойи давомида жами 26378690682 сўмлик 5.237 та шартномалар тузилганлигини аниқладилар. Шундан 3248210450 сўмлик 749 та шартномани тузишда бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, хўжалик ва корхоналарда 1427805108 сўмлик 324 шартнома нотўғри тузилганлиги аниқланди ва уларнинг аксарияти қайта туздирилди.

Текширишларда шартномавий муносабатлар амалдаги қонун талаблари асосида бажарилмаётганлиги, жумладан, тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талабларига биноан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмагани аниқланди. Бунга Қизириқ туманидаги «Кунчиқиш» ДФХ билан «Пахта» ҳиссадорлик жамияти ўртасида 118.030.000 сўмлик 4919 тонна пахта, тумандаги дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси билан 33.988.900 сўмлик 2809 тонна донга тузилган шартнома, Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги билан «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти ўртасида тузилган 69.887.100 сўмлик 269.00 тонна пахта ва «Олтин бошоқ» ДМКК билан 24.012.000 сўмлик 2001.0 тонна дон учун тузилган шартномалар, шунингдек, Жарқўрғон туманидаги Т.Шобуров хўжалиги билан пахта тозалаш заводи ўртасида 3122 тонна пахта учун тузилган 79.923.000 сўмлик шартнома, Сариосиё туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги билан туман пахта тозалаш заводи ўртасида 24.794.000 сўмлик 980 тонна пахта учун тузилган шартномалар мисол бўла олади.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қайд этиб ўтилган хўжалик юритувчи субъектларга амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, ҳокимликлар, юқори ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Бойсун туманидаги «Йўлдош» фермер хўжалиги туман дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси билан тузган шартнома бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифат давлат инспекциясидан рўйхатдан ўтказилмаганлиги, корхона томонидан фермер хўжалигига аванс маблағлари тўланмаганлиги аниқланди. Туман улгуржи мева-сабзавот ҳиссадорлик жамияти «Ғайрат» жамоа хўжалигига шартномаларда белгиланган аванс пулларини хўжаликларга ўтказмаётганлиги натижасида хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар сотилмай қолмоқда.

Кўпгина шартномаларда амалдаги қонун талабларига кўра томонлар ўртасида келишилган маҳсулот нархлари, миқдорлари кўрсатилмаган, томонларнинг мулкий жавобгарликлари, шартлари, мажбуриятлари қайд этилмаган.

Шунингдек, тузилган шартномаларнинг ижро интизоми ўрганиб чиқилганда томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Айрим шартномаларнинг тузилган саналари, томонларнинг реквизитлари, ҳатто мансабдор шахсларнинг имзолари ва муҳрлар қўйилмаган. Масалан, Термиздаги «Гўшт-сут» савдо ҳиссадорлик жамияти билан «Ислом тепа» корхонаси ўртасида тузилган 550.000 сўмлик шартномада етказиб бериладиган маҳсулотнинг миқдори, сифати, ассортименти, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари кўрсатилмаган, мажбуриятлар бажарилмаганда уларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган. «Термиз-сут» ҳиссадорлик жамияти раҳбари А.Алпомишев, бош ҳисобчи Ш.Эломоновларнинг масъулиятсизликлари оқибатида тузилган барча шартномалар қонун талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Бу мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши учун юқори идораларга тақдимномалар киритилди.

Ходимларимиз ёрдами билан Денов туманидаги «Й.Тўраев» жамоа хўжалигининг 327.942 сўмлик, А.Каримов номидаги хўжаликнинг 60.300 сўмлик талабномалари реал суммаларда ундирилиб берилди.

Республикамизнинг мустақил давлат деб эълон қилинганлигига 8 йил тўлганига қарамай Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизириқ ва Термиз туманларидаги маҳсулот сифатини аниқлаш давлат инспекциялари ходимлари томонидан Ўз.ССР давридаги мавжуд бўлган муҳрлар билан шартномаларни рўйхатдан ўтказиб, қайд этиб борилаётганлиги аниқланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим хўжалик, корхона ва ҳокимликларнинг ўзида ҳам қонун, фармон, қарорларни яхши билмасликлари натижасида ишимизга тўсқинлик қилинмоқда. Ангор тумани корхона ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ходимларимизга туман ҳокимияти бу борада рухсат бермаганлигини айтиб, кенгайтирилган мажлисда адлия ходимлари томонидан кўрсатилаётган бундай амалий ёрдамларга муҳтож эмасликларини билдиришган. Ўз навбатида бу келтирилган важ ва тушунмовчиликлар бошқармада ўрганиб чиқилиб, туман ҳокимлигига махсус хат битилди. Ўтган олти ой мобайнида киритилган тақдимномаларга асосан 18 мансабдор шахс жиддий огоҳлантирилиб, 7 нафари эгаллаб турган лавозимидан четлатилди.

Хуллас, вилоят адлия бошқармаси текширишларини сифатли ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун барча қонуний таъсир чораларини қўллашга алоҳида эътибор бермоқда.

**Фахриддин ҚЎЛДОШЕВ,**
**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи**

*Луқма*

# «ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛМАСДИ», АГАР...

*«Ҳуқуқ» газетасининг 1999 йил 31 август сонида «Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг Фахрий ходими» кўкрак нишони муаллифи, «Қонун ҳимоясида» журналининг масъул котиби Ғофуржон Алимов мазкур нишонни яратиш хусусида жуда чиройли фикр юритибди. Табриклайман, Ғофуржон! Аммо сўз орасида бизнинг «Инсон ва қонун» газетамиз ҳам ана шу нишон нусхасидан айнан кўчирма олиб фойдаланаяпти, деб эътирозга ўхшаш жумла ишлатиб юборибсиз-да. Шуниси сал ярашмабди. Нега дейсизми? Ушбу сатрлар муаллифи сиз ишлаётган «Қонун ҳимоясида» журналини ташкил этган, Низомини ишлаган, шакли ва безакларини шахсан чизиб-тузиб берган, тасдиқдан ўтказган, расмий тарафларини ҳал қилган шахс эканлигини, сизни ҳам у ерга ишга «тортган»лигини яхши биласиз-а, укажон? Ўшанда илгаридан мавжуд бўлган қилич ва қалқон ўртасига давлат байроғи тасвири ва унинг оқ қисмига давлатимиз гербини компьютерда кичрайтириб туширтирган камина эдим. Кечагидай эсимда, шу тасвирни сиз билан биргаликда журнал номи билан ёзиб, сиз чизиб, қоғозга олдирган эдик. У пайтда «Прокуратура Фахрий ходими» кўкрак нишони ишланмаган эди. Йўқ эди. Салдан сўнг камина бошқа ишга, жумладан, «Инсон ва қонун» газетасига бош муҳаррирликка ишга ўтдим, ўзим яратишда бош бўлган, ҳисса қўшган ва ўзимга ёқиб қолган рамзни газета номига қўшиб кўчирдим. Кейинроқ айнан шу «чизма» раҳбариятингизга кўпроқ ёқиб қолиб, уни қабул қилишган бўлса ёки ҳатто миллий қилич ва қалқондан ишланган «чизма»ларингиз ўтмаган бўлса, бунга «айбдор» эмасмиз, ахир, тўғрими, укагинам? Ёки ҳаммуаллифлик даъво қилайми? (буниси ҳазил). Келинг, Ғофуржон, сиз ҳам эътирозга ўрин қолдирманг, биз ҳам луқмага...*

**Файзулла ҚИЛИЧЕВ**



Мен бўлсам сой бўйида,
Турибман ишқ кўйида...

**ЭЪЛОН:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчиларини лавозимларга тайинлаш учун қуйидаги кафедралар бўйича**

**ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ:**

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи;
2. Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви;
3. Маъмурий ва молия ҳуқуқи.

***Аризалар бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.***

**Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 24-хона.**

*1999 йил - Аёллар йили*

# ДУГОНАЛАР

## ҲИКОЯ

Зарифахон севинчдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кимсан, йигирма йилдан бери Тошкентдай катта шаҳарда яшаб, унутиб ҳам юборай деган ёшлик дугонаси йўқлаб, меҳмон бўлиб келибди.

- Вой айланай, Гўзал! Ўзингмисан, эсон-омонмисан?! Бормисан! Офтоб қаёқдан чиқди? Сизларни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку! Шаҳарлик бўлиб кетиб, биз қишлоқиларни бутунлай унутиб юбординигми, деб ўйлагандим, - қайта-қайта бир-бирларини ўпишиб, қучоқлашиб кўришишди.

- Бу ким, ўғилчангми? - бир қадам нарироқда уларга қараб, ҳайрон бўлиб турган йигитчанинг елкасидан олиб сўради.

- Бу кичкинам Темур, наригиси қизим Азиза, ҳу-у... орқароқда ҳуркиб турган киши поччанг, Ўткир ака! - деди Гўзал уларни бир-бир таништириб.

- Онасига ўхшаб мунча чиройли! Бўйингиз чўзилиб қолибди-ку, айланай! Яхшимисиз! - Азизани беозор қучоғига олиб, ҳазил гаплар билан суйиб сўрашди. Азиза ҳам бу аёлнинг меҳрибонлигидан эриб кетдими, эски қадрдонини топиб олгандай анчагача қучоғидан қўйвормади.

- Тенгдош ўғлим бўлганида ўзим келин қилардим сени! - деб Зарифа уни қитиқлаб қўйди.

Навбат поччага келганида дадил бориб, елкасидан олиб кўришаркан:

- Чарчамай юрибсизларми, хуш келибсиз! - деди самимий. - Машиналаринг бор экан, дугонамни тез-тез олиб келиб турсангиз бўлмайдими? Полизда қовунлар пишиб ётибди, ишкомларда узумлар, олма-ю шафтолиларни айтмайсизми! Ҳаммаси ғарқ пишган... Келинглар, келинглар, хуш келибсизлар! - деди яна бир марта.

- Болалар қани, поччам йўқлар? - сўради Гўзал.

- Болалар боғда, поччанг полизда. Ҳозир отчопар ўғлимни юбораман, хабарлаб келади. Сизларни келганларингни эшитса, бир қоп семиради поччанг... Зафар, ҳо Зафаржон! - деб товуш берди. - Ухлаб қолган шекилли, болагинам кечаси билан телевизордан бўшамайди, умрингдан барака топкурлар.

Ичкаридан сочлари жингалак ўғилчаси кўзларини ишқалаб чиқди. Меҳмонлар билан қўл бериб сўрашиб, ҳаммага бир-бир кулиб қараб:

- Ойижон, ҳозир ҳаммаларини айтиб келаман, - деди-да, бир чўпни тойчоқ қилиб миниб, чопқиллаб кетди. Гўзалнинг ўғилчаси унинг ортидан оғзи очилиб қараб қолди.

Зарифа югуриб-елиб ҳовлининг чап биқинидаги ариқ лабига сув сепиб, қоратол тагидаги супага шинамгина жой тайёрлади, дастурхон ёзди. Ҳаво анча иссиқ бўлишига қарамай, сув борлиги учунми, тайёрланган жой салқин, ғир-ғир шабада эсиб турарди. Орадан бир-икки пиёла чой ичгунча фурсат ўтмай, Зарифанинг эри болалари билан бир қучоқ бўлиб кириб келди. Ҳовли тўлди-қолди. Бири олма, бири узум, бири шафтоли, бири қовун кўтариб келди.

Зарифанинг эри чиндан ҳам меҳмонларни кўриб бир қоп семиргандай бўлди. Қўйхонадан битта қўзичоқни олиб чиқиб, шартта сўйди.

— Почча, овқатни қўйинг, гўшту ёғ ҳамма жойда бор. Яхшиси, бизни далага олиб чиқинг! - деди Гўзал.

- Бўпти, бир оғиз гапларинг! Мен гўштни майдалаб тинчитгунимча ҳаво бироз шаштидан қайтиб қолади. Ҳаммаларингни далага қовун сайлига олиб чиқаман. Шўрвани ўшатда, капада қайнатамиз. Мен ўт ёқиб тураман, Ўткиржон пиширадилар, қаршилик йўқми? - деди кулиб. - Зарифа , бўлмаса сен кўрпачаларни тайёрла! Далага кетганимиз бўлсин.

Болалар бирдан «Ура!» деб юборишди.

- Ишқилиб, ўт-ўлану тиканларни босиб, оёқларингиз озор чекмаса бўлгани! - деди Зарифа.

Дастурхон устида болалару катталар тезда тил топишиб, гапга тушиб кетишди. Икки дугона эса кўрпача, ёстиқ тайёрлаш баҳонасида бир дам бўлса-да, «сирлашиш» учун ичкари киришди.

Гўзал киргач, хонага гуп этиб атир-упа ҳиди таралди. Гўзал Зарифанинг кўзига аввалгидан ҳам очилиб, чиройига чирой қўшилгандай туюларди. Хонадондаги сархуш ҳид уни ҳушёр торттирдими, энди дугонасининг юзларига, кўзларига синчиклаб тикилди... Унинг юзидаги тиниқлик, табиий чирой сўлғинлашиб, терилари анча бужмайиб қолганди. Қошу кўзлари ва мижгонларига қоп-қора бўёқлар, мижжалари остидаги қовоқларига яна қандайдир рангларни, лабларига эса пушти суркагични суртиб олган. Юзларида ҳам бўёқлар. Тирноқлари бинафша ранг. Гўзалдан бу бўёқларнинг номларини сўрагани билан уларнинг фарқига бормасди. Сўрашга сўрамади-ю, лекин бир ўй унинг қалбидан сизилиб чиқиб кетолмади: «Дугонамнинг юзи илгари жуда тиниқ эди-ку! Шунча ҳашамлар, юз терисини ишдан чиқарадиган бу бўёқларнинг нима кераги бор экан?! Сумбул сочларидаги ман-ман деган йигитларни маст қиладиган муаттар бўйлар, бадани, юзидаги табиийлик қани? Эссиз, шундай дугонаси... Бечора эр, бу сассиқ пўпишакни қандай қучоғига оларкин?! Ё бу бадбўй химикатлар ҳидини у ҳам ёқтирармикин!..»

- Ҳа, Зарифа, менга тикилиб қолдинг! Турмушинг дурустми, ё поччамдан кўнглинг тўқ эмасми? - деди Гўзал кутилмаганда унинг ўйга толганидан ажабланиб.

- Нималар деяпсан?! Поччангдай одам дунёда топилармикин? - деди уни маҳкам қучиб. Кўнглига келган гапни айтмоқчи бўлди-ю, дарров лабини тишлади.

...Дугоналар икки-учта кўрпача-ю, болиш олиб чиқишганда куёвлар тил топишиб, қуюқ суҳбатлашиб ўтиришганди.

Даланинг обу ҳавоси бошқача-да, кечгача чарчоқ билмай югуриб-елишди, роҳат қилиб дам олишди. Болалар ширинак ўйнаб, қовун пуштасидан пушталарга ўтиб, саралаб қовун узиб келишди. Бир-бирларига «меники ширин чиқди, меники ширин чиқди», деб роса мақтандилар.

Даладан қайтиб келиб, ҳаммалари қотиб ухлаб қолишди. Аммо саҳарга яқин нимагадир Гўзалнинг уйқуси қочди. Ётган жойида у ёқ, бу ёққа мўралаб қаради. Ёнида ётган дугонаси йўқ. Аллақачон туриб, ичкарида қозонга уннаётганга ўхшайди.

Зарифа ичкаридан чиқиб, молхонани тозалади, сигир соғди. Сутни иккита хурмачага тақсимлаб, пешайвондаги чўзиқ симларга осиб қўйди. Қўйларга ем берди, товуқларни катагидан чиқариб юборди. Бирпасда томорқадан бир қучоқ ўт териб келиб, сигир-бузоқ олдига ташлади. Кейин дарахт тагидаги пашшахонада ухлаб ётган ўғлини уйғотди.

- Тур, болагинам! Тўртта беда юлиб келиб, тойчоғингга бергин!

Зарифа ўғилчасини уйғотди-ю, ётган жойида мўралаб унга қараётган дугонасига кўзи тушиб, олдига келди.

- Уйғотиб юбордимми дейман, - деди кулиб.

- Анчадан бери уйғоқман. Қилаётган ишларингни кузатиб ётибман, - деди Гўзал бошини кўтариб.

Гўзал ёнига келиб, кулиб турган дугонаси Зарифага тикилди. Зарифанинг эгнида уринганроқ кўйлак. Ўт юлавериб, қорайиб кетган қўлидан ўт ва тупроқ ҳиди анқийди.

- Чўмилиб-нетиб, чиройликкина бўлиб юрсанг бўлмайдими? Юр, сув иситиб, ўзим сени яхшилаб чўмилтириб, упа-энлик суртиб қўяман. Поччам кападан келганларида бир оғизлари очилиб қолсин.

- Қўявер, далачилик! Бизга шуниси ҳам бўлаверади.

- Бўлмаса, нега мунча... - Гўзал дудуқланиб қолди.

- Нима, мени мутлақо ўзига қарамайди деб ўйлайсан, шекилли. Кўрдинг-ку, оқшом бош ювган эдим. Сен ҳам қатиқ билан бир ювиб ол, десам кўнмадинг!.. Ўт юлиб келаман... Молларга қарамасам бўлмайди...

Зарифа дугонасининг сумкачасидан чиқариб берган бир ҳовуч ялтир-юлтир шиша-ю, қутичаларини олишга рози бўлмади.

- Майли, ўзинг биласан! - Гўзал дугонасидан ранжигандай лабини бурди...

Тонг ёришар-ёришмас, далада - капада гаплашиб ётиб қолган эркаклар кириб келишди.

- Тоза ҳавода роса маза қилдик! - Гўзалнинг эри Ўткир аканинг оғзи қулоғида эди.

Жойлар йиғиштирилиб, дарров дастурхон ёзилди. Зарифанинг эрта саҳар туриб солган маставаси тайёр эди. Унга райҳон, кўкатлар, қатиқ аталаб солинганидан кейин қошиқда турмайдиган бўлдиқолди.

Меҳмонлар, каттадан-кичигигача маставани мақтаб-мақтаб ичишди, айниқса, кеч оқшом «қиттак-қиттак» олган Ўткирнинг оғзи қулоғида эди.

- Қани энди, бизни Гўзалхон ҳам шундай мастава пиширишни ўргансалар! - деб хотинига шама ҳам қилиб қўйди.

Бу гап Гўзалга оғир ботди. Аммо яна дугонам хафа бўлиб қолмасин деб, ҳозирча эрига оғиз очмади. Кетишга тараддудланиб, ташқарига чиққанларидан кейин барибир заҳрини сочди. Дугонаси эри билан ким-нима учун ичкарига кириб кетишганларида Ўткирнинг биқинини чимдилади.

- Зарифанинг овқатини мунча мақтадингиз! Мени кўнглим тортмади, сиз бўлсангиз... Ўша овқатни пиширган қўлларига қарамадингизми, ўт юлавериб кўмирдай қоп-қорайиб кетган. Яқинроқ борсангиз, бадани-ю, қўлларидан сассиқўтнинг ҳиди келади. — Кейин оғзини эрининг қулоғига яқинроқ олиб бориб, пичирлади: - Поччам уни қандай қучоғига оларкан-а!..

- Бас қил! - деди уйдан алланималарни кўтариб чиқаётган Зарифага кўзи тушган эри.

- Нима қилардингиз овора бўлиб, келинжон, шундай ҳам жуда яйрадик, - деди Ўткир. Кейин унинг эрига қараб: - Энди Тошкентга бир келасизлар сизлар ҳам.

- Ҳа, биргалашиб келмасанглар хафа бўламиз! - деди Гўзал мўлтонилик қилиб.

- Худо хоҳласа, борамиз! Ўзларинг тез-тез келиб туринглар энди, - дейишди уларни машинага ўтказиб кузатишаётган эру хотин баробар.

Меҳмонлар жўнаб кетишгач, уйга қайтиб кирган Зарифанинг эри хотинининг биқинига беозор туртди.

- Дугонанг жа... упаэлликни жойига қўяркан-ми? Бир чақирим жойдан ҳам бурқсиб ҳиди келиб туради-я!

- Вой, ўлманг сиз, ҳали Гўзалхон маъқул бўлиб қолди, денг! Мен бўлсам бу химикатларнинг ҳидини эри қандай ҳидлаб ётаркан, деган ўйдаман.

- Биласанми, менга нима ёқади, азизим! - деди эри.

Зарифа эрига тикилди.

- Биргина сени ўзинг ёқасан. Сени, сенинг табиий, муаттар ҳидингни ҳеч кимга, ҳеч нимага алмаштирмайман. Сени табиийлигинг, ўзлигинг ёқади менга!

У шундай деб хотинининг сочларини силади, юзлари, бўйинларидан тўйиб ҳидлаб, қош-кўзидан беозор ўпиб қўйди.

Бу беозор бўсадан Зарифанинг жону тани яйраб кетди.

**Зайниддин ДЎСТМАТОВ**



*Истироҳат боғларида байрам нашидаси.*

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Бош муҳаррир**
**Файзулла ҚИЛИЧЕВ**

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

**Индекс: 646882**
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0668. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
**А. ОТАБОЕВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
**У.ДЎСМАТОВ**
Терувчи:
**М. ДЎСТОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

